## ___8___ - сон шартномаси

Фориш тумани ___21___ декабрь 2022 й.

**“IXTIYOR BIZNES 2022” Маъсулияти чекланган жамияти** (кейинги ўринларда – **“Сотувчи”) низом** асосида иш олиб борувчи номидан **И.Мирзакобилов** орқали бир томондан ва **Фориш туман Ободонлаштириш бошкармаси** (кейинги ўринларда–**“Буюртмачи”) Низом** асосида иш олиб борувчи номидан **Х.Жўрақулов** орқали иккинчи томондан ушбу шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар:

### 1. Шартнома предмети

1.1 “Сотувчи” ўзига тегишли молк-мулкни “Буюртмачи”нинг мулки қилиб беради, “Буюртмачи” эса молк-мулкнинг ҳақи тўлангандан кейин олиш ҳуқуқига эга бўлади.

1.2 Молк-мулк тўғрисида маълумот:

| Т/Р | Махсулот номи | Фойдала-ниш кафолат муддати (йил, ой, кун) | Ўлчов бирли-ги | Сони | Қий-мати | Суммаси |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Дераза 120х150 см улчамдаги | 1 йил | дона | 5 | 1490000 | 7450000 |
| 2 | Эшик МДФ 110х210 см улчамдаги | | | 3 | 1045000 | 3135000 |
| 3 | Эшик АКФА икки табакали 130х210см | | | 1 | 1800000 | 1800000 |
| | **Жами** | | | | | **12385000** |

### 2. Шартнома нархи (қиймати)

2.1. Шартнома баҳоси 12385000 (ўн икки миллион уч юз саксон беш минг) сўмни ташкил қилади.

### 3. Тўлов шартлари

3.1 . Ушбу шартнома бўйича тўлов пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

### 4. Мажбуриятларнинг бажарилиши муддати

4.1 Буюртмачи шартнома умумий қийматининг 30 фоизи миқдорида олдиндан туловни амалга оширади, колган 70 фоизи маҳсулотни

олган кундан бошлаб 30 кун ичида ҳисоб .фактурага асосан тўлаб берилади.

4.2 Буюртмачи Сотувчининг ҳисоб рақамига аванс пул ўтказгандан сўнг, сотувчи буюртмачига молк-мулкни 5 кун вақт ичида етказиб бериши шарт.

4.3 Мазкур шартнома Ғазначилик бўлинмаларидан рўйхатдан ўтган кундан бошлаб кучга киради ва 30 декабрь 2022 йилгача амал қилади.

## 5. Тарафларнинг мажбуриятлари

5.1 **Сотувчи мажбурияти:**

5.1.1 Шартномада кўрсатилган талабларга риоя қилган ҳолда ўз вақтида "Буюртмачи" мол-мулкни бериш;

5.1.2 Тегишли даражада сифатсиз махсулот юборилганлиги тўғрисида хабарнома олгандан сўнг сифатли бўлмаган мол-мулкни 3 кун ичида алмаштириб бериш ёки сифатли бўлмаган мол-мулк баҳосини қайтариб бериш.

5.2 **Буюртмачи мажбурияти:**

5.2.1 Махсулотни олиб хисобварақ-фактура тузган холда ушбу шартномада ва қонун хужжатларида белгиланган бутлаш тартибига, сонига, сифатига қараб муддатида махсулотни ўзи олиб кетади.

5.2.2 Тегишли даражада сифатли бўлмаган мол-мулк келиб тушгани аниқлангандан кейин, бу хақда далолатнома ёзилиб, 24 соат ичида сотувчини огохлантириш.

5.2.3 Молк-мулк баҳосини ушбу шартномада белгиланган миқдорда ва муддатда тўлаш.

## 6. Тарафларнинг жавобгарлиги

6.1 Тарафларнинг бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тақдирда, бу тараф бошқа тарафга етказилган зарарни тулайди.

6.2 Сотувчи молк-мулкни тўлиқ етказиб бермаганлиги учун Буюртмачига етказиб берилмаган хар бир кун учун мол-мулк баҳосининг 0,5 %и миқдорида жарима тўлайди, лекин бунда пенянинг умумий суммаси кечиктирилган мол-мулк баҳосининг 50 % идан ошиб кетмаслиги зарур.

6.3 Тегишли даражада сифатли бўлмаган мол-мулкни ўз вақтида алмаштиришдан бош тортса, Сотувчи буюртмачига кечиктирилган хар бир кун учун сифатли бўлмаган мол-мулк баҳосининг 0,5 %и миқдорида пеня тўлайди ,.

6.4 Молк-мулк учун буюртмачи ўз вақтида тўламаганлиги учун сотувчига ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 %и миқдорида, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорида пеня тўлайди.

## 7. Форс-мажор ҳолатлари

7.1 Ҳеч бир тараф иккинчи тараф олдида ўзига боғлик бўлмаган сабабларга кўра ва енгиб бўлмас куч мавжуд бўлган тақдирда ушбу шартномада кўрсатилган мажбуриятлари бўйича жавобгар эмас. (Уруш эълон қилиниши ёки бошланиши, фуқаролар тартибсизлиги, эпидемия, эмбарго, ер қимирлаши, сув тошқини, ёнғин ва бошқа табиий офатлар шулар жумласидандир).

7.2 Тарафлар ушбу шартномада кўрсатилган мажбуриятларни бажармаслик сабаблари тўғрисида албатта иккинчи тарафни огохлантириши шарт.

7.3 Агар бартараф қилиб бўлмайдиган куч уч ой ўзлуксиз давом этса, тарафлар, бир-бирини ёзма равишда огохлантириб, шартноманинг ижросини бекор қилиши мумкин.

## 8. Низони ҳал қилиш тартиби

8.1 Ушбу шартномада ёки унга боғлиқ масалалар юзасидан келиб чиқадиган барча низолар энг аввало тарафларнинг келишуви билан ҳал қилинади.

8.2 Тарафларнинг келишуви билан ҳал қилиб бўлмайдиган низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгарнинг юридик манзилидаги иқтисодий суд орқали ҳал қилинади.

## 9. Коррупцияга карши шартлашув (келишув)

9.1. Шартнома буйича ўз мажбуриятларини бажаришда Томонлар коррупцияга қарши курашиш бўйича қоидаларга, шу жумладан амалдаги қонунларга риоя этилишини таъминлайди, яъни улар, уларнинг ходимлари, кафилланган шахслар,бенифициялари ва шартномани амалга оширишдаги хамкорлари,пудратчилари томонидан,бир-бирига ёки давлат иштирокидаги ташкилот ходимига пора бериш ёки пора беришда воситачилик килиш моддий ёки номоддий наф олишдан тийилиши лозим. Томонлар ушбу харакатларнинг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар қабул қилинишини кафолатлайди.

9.2. Томонлар коррупцияга карши коидалар бузилганда ёки асосли гумонлар юзага келганида дархол ёзма равишда (электрон почта оркали) ёки ишонч телефонии (78 150 26 03) оркали бир-бирини хабардор килиш мажбуриятини олади. Бунда томонлар юзага келган холатга ойдинлик киритиш мақсадида ёзма изох талаб килиш хукукига эга ва мурожаатини олган томон 10 (ўн) иш куни мобайнида тушунтириш бериш ёки ўз фикрини билдириши мумкин.

9.3. Мазкур бобнинг талаблари бажарилмаганда,шу жумладан белгиланган муддатда коррупцион хавф хатар бартараф этилмаса, томонлар амалга оширган чоралар коррупцион холатни пасайишига олиб келмаса, бошқа томон шартномани бекор килиш хуқуқига эга ёки унинг ижросини тўхтатиб қўйиши мумкин.

9.4. Ушбу бобда кўрсатилган асослар бўйича шартномани бир томонлама бекор килиш талаб килинган томонга етказилган зарарларни коплаш қонунчиликда кўрсатилган тартибда амалга оширилади, ушбу бобнинг мажбуриятларини бузган томон эса шартноманинг бир томонлама бекор қилиниши оқибатида кўрилган зарарлар коплашни талаб килишига хақли эмас.

## 10. Тарафларнинг манзиллари ва банк реквизитлари

**«Сотувчи»**

**“IXTIYOR BIZNES 2022” МЧЖ**

(етказиб берувчи номи)

**Адрес: Фориш туман Боғдон ш.**

**Тел./факс** ________

х/р: 20208000305577179001
**Банк; ХАБ "Траст банк" Жиззах филиали**
**МФО: 01166**

**ИНН**: 309945960

**ОКОНХ:**

**Раҳбар:**
__________ **И.Мирзакобилов**
(имзо)

М.Ў.

**«Буюртмачи»**

Фориш туман Ободонлаштириш бошқармаси

(бюджетдан маблағ олувчининг номи)

**Адрес: Фориш туман Ш.Рашидов кўчаси 3-уй**

**Тел./факс: 100022860082357065200110001**
**ш/ҳ***:

**ИНН:** 206 943 329 **ОКОНХ:**

Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги ягона Ғазна ҳисоб варағи
**Банк номи:** Тошкент ш. МБ бош бошқармаси
**х/р: 23402000300100001010**
**МФО: 00014**
**ИНН: 201122919**
**Раҳбар:** ________________
Х.Журакулов

| | | |
|---|---|---|
| | Hujjat **elektron raqamli imzo** orqali imzolangan.<br>Elektron raqamli imzoning haqiqiyligini tekshirish uchun **QR Code** ni skanerlang. | |
| | Imzolovchi F.I.SH. | XURSHID JO‘RAQULOV BOLTAYEVICH |
| | Imzolangan sana | 21.12.2022 11:36 |
| | Hujjat kodi | **LC2566441354** |
| | Hulosa kodi | **IJ0212460717** |

# YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY XULOSA

IJ0212460717

1. Loyihaning turi: Shartnoma.

2. Loyihaning nomi: **Obodonlashtirish boshqarmasi tomonidan deraza 120x150 sm o'lchamdagi, eshik MDF 110x210 sm o'lchamdagi va eshik AKFA ikki tabaqali 130x210sm., jami 12385000 (o'n ikki million uch yuz sakson besh ming) so'mlik ("IXTIYOR BIZNES 2022" MChJ tomonidan elektron savdoda g'olib bo'lgan) eshiklar va derazalar xarid qilish uchun shartnoma.**

3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot: Forish tuman Obodonlashtirish boshqarmasi tomonidan 20.12.2022 yilda kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

**Forish tuman yuridik markazi bosh yuristkonsulti**

**U.N.MAXAMMATOV**

21.12.2022 y.